

Бухоро давлат университети расмий веб-сайти
“Дарс жадвали” интерактив хизмат регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1. Хизматнинг номланиши

“ Дарс жадвали ”

1.2. Хизмат натижаси

Фойдаланувчи университетдаги факультет курслари бўйича дарс жадваллари билан танишиш имконига эга бўлади

1.3. Интерактив хизматдан фойдаланувчилар

Талабалар, профессор ўқитувчилар, ота-оналар, университет раҳбарияти ҳамда қизиқтирувчи шахслар

1.4. Хуқуқий асослари

Назарда тутилмаган.

1.5. Бажариш муддати

Дарс жадваллари бир ўқув йили давомида икки маротаба семестрлар бошланмасдан шакллантирилади ва ўқув ишлари проректори томонидан тасдиқланганидан сўнг интерактив хизмати маълумотлар базасига жойлаштирилади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фуқарога қуйидаги ахборот тақдим этилади:

Танланган курс бўйича гуруҳларнинг дарс жадвали электрон варианты (ҳафта кунлари, фан номи, дарс ўтиладиган аудитория, фан ўқитувчиси)

2.2. Батафсил маълумот олиш

“Дарс жадвали” интерактив хизмати ҳақида батафсил маълумотни

- Бухоро давлат университетининг расмий веб-сайти(www.buxdu.uz) интерактив хизматлар булимида;
- Бухоро давлат университетининг ўқув-услугий бўлимидан;
- Бухоро давлат университети факультети ўқув ишлари бўйича декан муовинларидан.

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз маълумот олиш мумкин.

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11 уй
Мўлжал: Бухоро фавворалар боғи
Транспортлар: 6, 76, 25, 83, 72-автобуслар, Олмос кафеси бекати

3. Иш вақтлари ва мурожаатлар

3.1. Иш вақтлари

Интерактив хизматдан Интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз фойдаланиш мумкин

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда ҳар бир йўналиш ҳақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 5 сония вақт сарфланади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур булган ҳужжатлар

Ҳужжат талаб этилмайди

4.2. Хизмат тўлови

Бепул

4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Университет дарс жадвали ҳақидаги маълумотларни олишда қуйидаги амаллар бажарилади:

Интерактив хизматлар рўйхатидан дарс жадвали гипермуружаати танланади;

Тегишли факультет курси гипермуружаати танланганда дарс жадвали шакллантирилган электрон версияси экранда чиқарилади.

4.4. Давлат хизматини курсатишнинг ички идоравий жараёни

Интерактив хизматни ташкил этишда университетда дарс жадвалларини ўз вақтида янгилаш учун масъул ходимлар томонидан бажарилади. ОТМ Ўқув ишлари бўйича проректор томонидан тасдиқлангандан сўнг, интерактив хизмат маълумотлар базасига бир иш куни мобайнида киритилади.

Интерактив давлат хизмати маълумотлар базасини техник таъминоти университет Ахборот технологиялари маркази томонидан амалга оширилади.

4.5. Рад этиш сабаблари

Давлат хизматини тақдим этишни рад этишда қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

- интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётганлиги асос бўлиши мумкин.
- Гуруҳлар дарс жадвали ўзгариш ҳолатида бўлса “Дарс жадвали янгиланяпти” деган ёзув экранга чиқарилади.

«КИРИТИЛДИ»

**Ўқув-услубий бўлим
бошлиғи**

_____ **Т.Р. Собиров**

« _____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.З.Хусенов**

« _____ » _____ **2016 йил**